



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Таштемиров Анвар Алиқулович

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, Маъмурий ҳуқуқ кафедраси
доценти. E-mail: anvartoshtemirov05031979@gmail.com.*

Қутлимаратов Ислон Усман ўғли

ИИБ Академияси 3-ўқув курси 318-гуруҳ курсанти.

Аннотация: *Мазкур мақолада профилактика инспекторининг давлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда давлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, профилактика инспектори фаолиятида жамоатчилик институтлари билан ўзаро ҳамкорликни самарали ташкил этиш усуллари, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари кўриб чиқилган. Мақолада профилактик фаолиятни такомиллаштиришда давлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.*

Калит сўзлар: *профилактика инспектори, давлат нотижорат ташкилотлари, ҳамкорлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоатчилик назорати, ҳуқуқий маданият, жамоат тартиби, профилактик фаолият.*

Бугунги кунда жамият тараққиёти, давлат ҳокимияти институтларининг самарали фаолият юритиши ҳамда фуқароларнинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечириши бевосита ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида фуқароларнинг қонунларга ҳурмати, ҳуқуқий билимларининг етарли даражада шаклланганлиги, ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаши, шунингдек, ҳуқуқий муносабатларда онгли ва масъулиятли иштирок этиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида намоён бўлади ва мазкур вазифани амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, Ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Профилактика инспекторлари ички ишлар органлари тизимида аҳоли билан энг яқин ва тўғридан-тўғри мулоқот қиладиган бўғин сифатида фаолият юритади. Уларнинг хизмат вазифалари фақатгина ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бартараф этиш билан чекланиб қолмасдан, балки жамиятда ҳуқуқий



онгни шакллантириш, ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш, фуқароларнинг қонунларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш ҳамда қонунийлик тамойилларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган кенг қамровли профилактик фаолиятни ўз ичига олади. Профилактика инспектори маҳаллада давлатнинг ҳуқуқий сиёсати амалий ижрочиси сифатида намоён бўлиб, унинг шахсий касбий маҳорати, ҳуқуқий билим даражаси, ахлоқий қиёфаси ва мулоқот маданияти жамиятда ҳуқуқий маданият шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Нодавлат нотижорат ташкилот - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир. Нодавлат нотижорат ташкилот жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар ўзининг фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги (1999 йил 14 апрел) қонуни ҳамда бошқа қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида олиб борадилар. Сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, диний ташкилотлар ҳамда бошқа айрим нодавлат нотижорат ташкилотларни тузиш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тегишли қонунлар билан тартибга солинади. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Профилактика инспектори ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини, мол-мулкларини турли хил жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳамда хавфсизликни, шунингдек, ҳуқуқбузарлик профилактикасини таъминлаш борасидаги фаолиятни амалга оширади.

Профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини қонунда берилган ваколатлар доирасида нодавлат нотижорат ташкилотлари имкониятидан унумли фойдаланган ҳолда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш, ғайриижтимоий хулқ-атворга эга ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни



аниқлаш, профилактик таъсир кўрсатиш орқали уларнинг хулқ-атворини тузатиш, фуқароларни ҳуқуқбузарликларнинг тури, содир этиш усули ва воситалари, ижтимоий хавфи, салбий оқибатлари ҳақида огоҳликка чақириш, ҳуқуқбузарликлардан жабрланган ва жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни аниқлаш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликдан жабрланган, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этган ва унга мойил шахсларнинг ижтимоий реабилитация қилиниши ва ижтимоий мослаштирилишида кўмаклашадилар. Мазкур фаолиятни самарали ташкил этиш мақсадида профилактика инспекторларининг бугунги кунда кенг жамоатчилик, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлиги муҳимдир.

Профилактика инспекторлари маъмурий ҳудудда шахс, жамият ва давлат манфаатларини ғайриҳуқуқий тажовузлардан ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича хизмат фаолиятини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда профилактика инспекторлари нодавлат нотижорат ташкилотлари билан қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қилади:

- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, маъмурий ҳудудда қонунийликни мустаҳкамлаш;
- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чоратадбирларини кўриш;
- ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан, илгари судланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоратадбирларини кўриш;
- жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш.

Шунингдек, мазкур қонуннинг 21-моддасига асосан профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жумладан нодавлат нотижорат ташкилотлари билан қуйидаги йўналишларда иштирок этади:



– тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетиши ҳисобга олинишини ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда;

– рўйхатдан ўтказилмаган диний ташкилотлар фаолиятига чек қўйиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбурлаб сингдиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқишда; ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари билан биргаликда жамоатчилик тузилма аъзолари фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

– яраштириш комиссиялари ва бошқа комиссияларни тузади;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларга кўмаклашиш ҳамда зарур ёрдамни кўрсатиш йўли билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этиши мумкин.

Профилактика инспекторлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги норматив-меъёрий ҳужжатларида белгиланган хизмат вазифаларини амалга оширишда Нодавлат нотижорат ташкилотлари билан қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қилади:

– маъмурий ҳудудни профилактик кўздан кечириш ва криминоген вазиятни таҳлил қилиш;

– маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш;

– маъмурий ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини ташкил этиш ва амалга ошириш;

– фуқароларни қабул қилиш, уларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш;

– маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва улар тўғрисидаги ишларни юритиш ҳамда ҳал қилиш;

– маъмурий ҳудудда паспорт-виза ва назорат-лицензиялаш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

– фаолияти тақиқланган ташкилотлар, диний-экстремистик гуруҳлар ва шу каби фаолиятга алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш;

– маъмурий ҳудудда содир этилган жиноятларни аниқлаш ва фош этиш чораларини кўриш;



– жиноят содир этиб суд ва тергов органларидан яшириниб юрган, бедарак йўқолган шахслар, ахлоқ тузатиш ишлари тариқасида жазодан бўйин товлаб юрган маҳкумларни қидириб топиш, шахси ноаниқ мурдаларнинг шахсини аниқлаш;

– озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга (муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган, шартли ва ахлоқ тузатиш ишларига) ҳукм қилинган шахсларга нисбатан профилактик-назорат ишларини амалга ошириш;

– олиб қочилган, ўғирланган (ва шу каби) транспорт воситаларининг қидирувини ташкил этиш;

– ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатиш ишларида иштирок этиш;

– фавқулодда ҳодисалар оқибатларини бартараф этиш;

– хизмат ҳудудида яшаётган аҳоли билан ҳар ойда бир марта ҳисобот учрашувлари ўтказиш, мазкур учрашувлар жараёнида фуқароларга маҳалладаги вазият, содир этилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарлик тафсилотлари ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабаблари, шарт-шароитлари тўғрисида тушунтириш, маҳаллада фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлашда ушбу маҳалла аҳли ҳамкорлигида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар, жумладан тунги қоровулликлар, жамоатчилик назорати масканларида навбатчиликлар ташкил этиш, маҳалла аҳлининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишда коммунал идораларни жалб этиш;

– маъмурий ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, улар орасида қонунларга итоаткорлик ва юксак даражадаги ахлоқий сифатларга эга бўлиш ҳиссини уйғотиш орқали жиноятчиликка қарши курашиш;

– экстремизм ва диний ақидапарастликка қарши кураш борасида хизмат ҳудудида экстремистик оқим тарафдорларини, айниқса, ушбу оқим таъсирига тушиб қолган ёшларни аниқлаш;

– терроризм ва диний экстремизм, конституциявий тузумга қарши жиноятлар содир этиб, жазони ўтаб қайтган ва жазо ўтаётган шахсларнинг оила аъзолари ва ушбу оилаларга келиб турувчи шахсларни тарбиялаш, улар томонидан такрор ҳуқуқбузарлик содир этилиши ҳамда уларнинг фарзандлари экстремистик ғояларга берилиб кетишининг олдини олиш мақсадида якка тартибдаги профилактик суҳбатлар ўтказиш ҳамда маҳалла фаоллари, шунингдек, обрўли маҳалла фуқароларини бу тоифа шахсларга мураббий этиб бириктириш;

– маҳаллада миссионерлик ва прозелитизм йўналишида ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бораётган шахслар ёки гуруҳларни аниқлаш ва уларга нисбатан қонун доирасида чоралар кўриш, дин кўмитаси вакиллари, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда бу йўналишда аҳоли билан тушунтириш ишларини олиб бориш;



– хизмат ҳудудида яшаётган вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида таълим муассасалари билан ҳамкорликни ташкил этиш;

– жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, тарбияси оғир ёшларни, шунингдек, вояга етмаганларни жиноятга жалб қилаётган шахсларни аниқлаб, улар билан профилактик-огоҳлантирув тадбирларини олиб бориш;

– вояга етмаганларни турли салбий таъсирлардан сақлаш ишларини амалга ошириш;

– маҳаллада вояга етмаганларнинг ўқишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш;

– ҳудудда вояга етмаганлар қаровсизлиги, назоратсизлиги, ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилигининг аҳволи, йўл қўйилган камчиликларни келгусида такрорламаслик бўйича ҳокимиятлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга, таълим муассасаларига ҳамда «Ёшлар иттифоқи» ташкилотига тақдимнома ва таклифлар киритиш;

– ҳудудда яшовчи, фоҳишалик ва қўшмачилик билан шуғулланувчи, фоҳишахона ва бангихоналар сақловчи ҳамда ахлоқий бузуқ ҳаракатларни намойиш этадиган видеофилмларни, газета ва журналларни тарғиб қилувчи ва одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан таъсир чораларини қўллаш;

– аҳоли яшаш жойларида фуқаролар томонидан паспорт тизими қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш. Хизмат ҳудудида рўйхатдан ўтмасдан ёки паспортсиз яшаётган, шунингдек, ҳақиқий бўлмаган паспортга эга шахсларни аниқлаш мақсадида хизмат ҳудудидаги хонадонларни мунтазам равишда текшириб, ҳуқуқбузарларни аниқлаш ва қонун доирасида уларга нисбатан чоралар кўриш;

– тўй, маърака ва аҳолининг кўп қисми қатнашадиган бошқа оммавий тадбирларда иштирок этиш ва уларни ўтказишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини назорат қилиш;

– жамият қоидаларига зид равишда турмуш кечираётган шахсларни, шунингдек, доимий яшаш жойига эга бўлмаган дайдиларни, чорраҳаларда тиланчилик қилиб юрганларнинг шахсини аниқлаш;

– адашган, ўзбошимчалик билан уйидан, махсус ўқув муассасаларидан кетиб қолган ёки қаровсиз қолган вояга етмаганларни «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази»га юборилишини таъминлаш;

– мунтазам равишда шахсий қуролга эга бўлган, назорат-лицензиялаш тизими объектларида ишловчи фуқаролар ҳамда улар билан бирга яшовчи шахсларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, маҳаллада тутган ўрнини ўрганиб бориш;



– ноқонуний равишда қурул-яроғлар ва портловчи материалларни сақлаш учун белгиланган жавобгарлик чоралари, уларни ўз хоҳиши билан топширган шахсларга жавобгарлик чоралари қўлланилмаслигини уқтиришга оид учрашув, суҳбат ва маърузаларни ўтказиш жадвалларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, бу борада оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари имкониятлари ва тарғиботнинг бошқа усулларида кенг фойдаланиш;

– ёнғин хавфсизлигини таъминлашда маҳалладаги ҳар бир хонадон, ташкилот ва муассасаларда, ўқув юртлари, савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида Давлат ёнғин назорати ходимлари билан ҳамкорликда, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш бўйича назорат ўрнатиш ва қоидабузарликлар аниқланганда айбдорларга нисбатан маъмурий баённомалар тузиш, ёнғин ўчириш мослама ва ускуналарида фойдаланиш тартиби ва ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда қонунбузарларга нисбатан кўриладиган чоралар тўғрисида аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш;

– маҳаллалардаги ёнғинга қарши сув ҳавзаларининг ҳолати, ёнғин ўчириш воситалари, кўча ва ўтиш йўллари, алоқа тармоқларининг мавжудлиги ва созлигини назорат қилиш, носозликлар аниқланганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ва бошқа тегишли идоралар билан ҳамкорликда носозликларни бартараф этиш чораларини кўриш;

– фавқулодда вазиятлар, яъни табиий офатлар (ер қимирлаши, сув босиши, бўрон, кўчки, ёнғин ва бошқалар) пайтида рўй бериши мумкин бўлган хавф-хатарлардан аҳолини хабардор қилиб, вазият тўғрисида махсус хизматларга зудлик билан хабар бериш, давлат, жамоат ва фуқароларнинг мулкларини кўриқлаш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, табиий офатлар оқибатларини бартараф этишда жамоатчилик вакилларини сафарбар қилиш ва жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш.

Юқорида келтирилган вазифаларни бажаришда профилактика инспекторлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилиги билан ҳамкорликда ахборот алмашинувини самарали йўлга қўйишлари шарт. Мазкур ҳамкорликнинг тўғри ва самарали ташкил этилиши нафақат ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга, балки жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 9 yanvardagi "Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish tizimini tubdan takomillashtirish to'g'risida"gi PF-5618-son Farmoni.



2. Таштемиров А. А., Комилов А. М. Ў. Одам савдоси жиноятига қарши курашишни такомиллаштиришга оид айрим мулоҳазалар //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 7. – С. 135-138.
3. Таштемиров, А. А. "Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ички ишлар органларининг ҳамкорлиги." O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali 2.25 (2023): 32-40.
4. Таштемиров, А. А. "Ҳуқуқбузарлик содир этилишининг сабаблари ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари." So 'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi 6.12 (2023): 454-461.
5. Tashtemirov A., Baxtiyrov S. Profilaktika inspektorining jinoyat ishlar bo 'yicha sudlar bilan hamkorligining o 'ziga xos xususiyatlari //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 38-42.
6. Tashtemirov A., Usmonova Y. Profilaktika inspektorining yashash manzillaridan uzoq muddatga ketgan shaxslar bo'yicha ishlash faoliyatini huquqiy ta'minlash //Наука и технология в современном мире. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 59-61.
7. Tashtemirov A., Usmonova Y. Profilaktika inspektorining yashash manzillaridan uzoq muddatga ketgan yoshlar bilan ishlash faoliyatining o 'ziga xos xususiyatlari //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 51-52.
8. Tashtemirov A., Raxmonqulov S. Profilaktika inspektorining yashash manzillaridan uzoq muddatga ketgan shaxslar bilan ishlash faoliyatining tushunchasi //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 62-67.
9. Tashtemirov A., Sadullaev M. Huquqbuzarliklar profilaktikasini amalga oshirishda iiolari profilaktika inspektorlarining bojxona xizmati bilan hamkorligining tashkiliy-huquqiy asoslari //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 50-53.
10. Таштемиров А. А. и др. Психологическая поддержка деятельности инспекторов профилактики в работе с лицами, осужденные к наказанию исправительные работы //International scientific research conference. – 2024. – Т. 3. – №. 28. – С. 97-102.
11. Таштемиров, А. А. "Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги." Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук 2.10 (2022): 42-48.
12. Таштемиров, А. А. "Йулларда харакатланишни тартибга солишнинг ҳуқуқий жихатлари ва бу борада технологиянинг ахамияти." siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali 1.2 (2022): 111-115.